

**БУХОРО ЭТНОГРАФИЯСИ БИЛИМДОНИ ФАНЯ ДАВИДОВНА  
ЛЮШКЕВИЧ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР**

**Манзила Бакиевна Курбонова**

Бухоро давлат университети Бухоро тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари  
номзоди

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақола элшунос олима Ф.Д.Люшкевичнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига, ҳамда Бухоро эронийлариниэтнографик гурух сифатидаги тадқиқотига бағишиланган.

**Калит сўзлар:** Этнографик гурух, дала мавсумий тадқиқотлар, ўтрок дехқонлар, қўчманчи чорвадорлар, антропология ва этнология музейи.

**BUKHARA ETHNOGRAPHY SCIENTIST FANYA DAVIDOVNA  
LYUSHKEVICH ATTENTION TO HIS ACTIVITIES**

**Манзила Бакиевна Курбонова**

Bukhara State University, Associate Professor of Bukhara History, Candidate of Historical Sciences

**ABSTRACT**

The article is devoted to the life and activities of ethnographic scholar of F.D.Lushkevich, as well as her research on the ethnographic group of bukharian Persians.

**Keywords:** Ethnographic Group, Field seasonal studies, herbivorous farmers, nomadic herdsmen, Museum of Anthropology and Ethnology.

**КИРИШ**

Ўрта Осиёнинг қадимий маданият марказларидан бири Бухоро воҳаси туб аҳолисини ўзбек ва тожиклар ташкил этади. Ушбу регионда асрлар давомида эрони ва турк тилли қабила ва халқларёнма-ён яшаб, ўзаро иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқада бўлганлар. Мақолада Бухоро воҳаси тожик аҳолиси турмуш тарзи, оила ва никоҳ муносабатлари, моддий ва маънавий маданиятига оид масалаларни тарихий-этнографик жиҳатдан тадқиқ этган элшунос, шарқшунос, эроншунос олима Ф.Д.Люшкевичнингҳаёти ва илмий фаолияти сахифалари ёритилади.

## АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Маълумки, Бухоро воҳасининг эътироф этишга арзигулик тарихи ва этнографияси нафақат маҳаллий, балки рус тадқиқотчиларининг ҳам диққат марказида бўлган. Бухоро воҳаси тожиклари турмуш тарзини ўрганган Санкт-Петербурглик олима Фаня Давидовна Люшкевич шулардан бири эди. Фаня 1927 йил 5 декабрда хизматчи оиласида дунёга келади. Уларнинг оиласи бутун иккинчи жаҳон уруши даҳшатларини қаҳрамон шаҳар – Ленинград қамалида ўтказади. Мактабда ўқиб юрган кезлари фронтдаги хизматлари учун 1944 йил 30 январда 17 ёшли Фаня СССР Олий Совети Президиуми фармони билан “Ленинград мудофааси учун” медали билан тақдирланади. У 1945 йил баҳорида мактабни тугатиб, Ленинград давлат университети Шарқ факультети Эрон бўлимига ўқишига киради. Бўлажак олима бу дамларни шундай хотирлайди: “Немис тили ўқитувчимизнинг маслаҳати билан биз уч нафар синфдош қизлар Ленинград давлат университети Шарқ факультети Эрон бўлимига хужжат топширган эдик. Эрон ўша даврда ўзининг демократик кайфияти билан ажralиб турар, хусусан, СССР ва Эрон давлатлари ўртасидаги маданий алоқалари анча ривожланган босқич эди. 1945 йил 1 сентябрда Эрон бўлимига 30 га яқин талабанинг қабул қилиниши ҳам икки мамлакат орасидаги ижобий муносабатлар стабиллашуви натижаси деб изоҳланарди. Бироқ, Эрон кафедраси мудири Александр Арнольдович Фрейман ўқув йили охиригacha 10 нафаргина талаба қолишини олдиндан қўра билган эди. Худди шундай бўлди ҳам. Бу ҳолатнинг бош сабаби, етарлича қўллэзма манбалар ва луғатларнинг ўқлигида эди. Биз кутубхоналарда яrim тунгача қолиб кетар эдик. Кутубхонадаги биз эгаллаган бурчакни ўзимизнинг “Она Шарқчамиз” деб билардик. Ўша даврда ушбу факультетни СССР Фанлар Академияси мухбир аъзоси Александр Арнольдович Фрейман бошқарап эди. Александр Николаевич Болдирёв, Михаил Николаевич Боголюбов, Анна Зиновьевна Роззенфельд сингари кўзга кўринган олимлар биз талабаларга сабоқ берар эдилар” [1,466].

Фаня 1950 йилда университетни муваффақиятли тугатади ва Ленинград давлат университетида 1951-1956-йилларда экскурсовод сифатида ўз фаолиятини бошлайди. 1956 йилдан Ленинграддаги СССР ФА Этнография институти филиалида Ўрта ва Олд Осиё секторидаилмий техник ходим, 1968 йилдан эса кичик илмий ходим лавозимларида фаолият юритади.

1955 йилда Фаня Давидовна Этнография институтига ишга келганида, Ўрта Осиё секторига тарих фанлари доктори, профессор Н.А.Кисляков раҳбарлик қиласади. Сектордау сафдошлари Э.Г.Гафферберг, Е.М.Пещерева, С.М.Абрамзонлар билан ёнма-ён фаолият олиб боради. Худди шу даврдан Ф.Д.Люшкевичга илмий раҳбарликни Е.М. Пещерева ўз зиммасига олади.

1956 йилдан устозу-шогирд биргаликда К.В.Задыхина раҳбарлигидаги “Жанубий Ўзбекистон экспедицияси”да Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ахолиси уруғ-қабилалари таркибини ўргана бошлайдилар. 1961 йилдан Ф.Д.Люшкевич ўзи танлаган мавзу – эроний этнографик гуруҳини тадқиқ этиш учун Е.М.Пещерева раҳбарлигидаги Бухоро воҳаси экспедициясида қатнашади. СССР ФА Этнография институтининг Ўрта Осиё этнографик экспедицияси таркибида икки мавсумда: 1961 йил апрелда, 1962 йил октябрда олима шахсан ўзи Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда: Зираборд, Жўйбори Берун, Кунжи қалъя, Шергирон-маҳалла, Шалғамхўрон, Кўҳна масжид, Тор-тор маҳалла, Афшор маҳалла худудларида дала маълумотлари йиғганини алоҳида қайд этади.[2,43] У 1969-1970 йилларда Ўрта Осиё этнографик экспедицияси таркибида ташкил этилган жуда кўп дала мавсумий тадқиқотларда, хусусан, Бухоро вилоятининг Ромитан, Вобкент, Ғиждувон туманларида, 1972 йилда эса Қашқадарё вилоятида, 1976-78 йилларда эса яна Бухоро воҳасида илмий изланишларини давом эттиради.

Фаол дала тадқиқотларидан ташқари Фаня Давыдовна музей ишлари билан ҳам шуғулланган, секторда тайёрланган “Дунё ҳалқлари” этнографик очеркларининг “Олд Осиё ҳалқлари” ва “Ўрта Осиё ва Қозоқистон ҳалқлари” қисмларини нашр этишда иштирок этади. “Ўрта Осиё тарихий -этнографик атласи”нинг “Тураг жойлар”, “Кийим-кечаклар”, “Тақинчоқлар” бўлимларини тайёрлаш ишларида ҳам қатнашади. Ўзбек олимлари, яъни ҳамкаслари илтимосига кўра Ўзбекистон СС ФА Тарих институтида “Ўзбекистон этнографияси” номли монографияни тайёрлашда муҳаррирлик қиласди.

1970-80-йилларда Ўрта Осиё, Кавказ ва Қозоқистон ҳалқлари этнографияси бўлими раҳбари В.П.Курилев, Ф.Д.Люшкевич фаолиятини қуидагича баҳолайди: “Фаня Давыдовна қизиқишилари доирасини миллий муносабатлар масаласида энг мураккаб соҳа Ўрта Осиё районларидан бири Ўзбекистон-Бухоро воҳаси асосан тожик тилли ўтроқ дехқон ва турк тилли кўчманчи-чорвадор аҳолининг кўп асрлик ўзаро алоқаларини ўзида мужассам этган этник тарихи, анъанавий ва замонавий маданияти ва турмушини ўрганиш қамраб олган эди. Бухоро воҳасида истиқомат қилувчи эроний этнографик гуруҳи этник тарихи ва маданиятини ўрганишни бошлаган Фаня Давыдовна аста-секинлик билан тадқиқот фаолияти мазмунини Бухоро воҳаси кўп миллатли аҳолиси ҳисобига бойитади. Ушбу тадқиқотлари хронологик чегарасини ҳам кенгайтиради. Бу ҳол унга Ўрта Осиё ва Қозоқистон ҳалқлари умумтарихий тараққиёти жараёнида ўз аксини топган мураккаб тарихий-маданий соҳадаги аҳоли этногенези ўзи яхлит бир бутун ҳодиса эканлиги ҳақида муҳим хулоса чиқаришга имкон яратган эди”[3,469].

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бухоро воҳаси аҳолисининг асосий катта қисми ўзбек ва тожиклардан иборат бўлғанлиги учун кўп ҳолларда тадқиқотчиларни шу икки халқнинг турмуш тарзини ўрганиш, бир-бирига қиёслаш, таҳлил қилиш ва илмий хуносалар чиқаришга ундаган.[4,85]. Ушбу фикримиз Ф.Д.Люшкевичга ҳам тааллуқли.

Бухоро воҳаси тожик аҳолиси этник таркиби тараққиётининг баъзи аспектлари, анъанавий маданиятининг этнографик хусусиятларини чуқур ўрганган Ф.Д.Люшкевич 1977 йил 22 февралда кўп йиллик шахсий дала кузатувлари асосида “Бухоро воҳаси тожик аҳолиси этник тарихи ва этнографик хусусиятларининг ўзига хослиги (XIX аср охири-XX аср боши)” мавзуида номзодлик диссертациясини муваффакиятли ҳимоя қиласи [5].

Ф.Д.Люшкевичнинг мутахассислиги аслида шарқшунос, филолог. Бироқ, ўз даврида уни ўраб олган илмий муҳит, яъни атрофидаги устозу-сафдошлари таъсири, уларнинг беғараз ёрдами туфайли этнограф олима даражасига етган эди. Унинг хотираларидан келтирилган қуйидаги сатрлар фикримизнинг далилидир: “Менинг этнографияга илк қизиқишимни уйғотган асар Е.М.Пещереванинг “Ўрта Осиёда кулолчилик саноати” деб номланган фундаментал тадқиқотининг яратилиши эди. Асарда тожик терминологиясига оид сўзларнинг тўғрилигини текшириб чиқиш менинг зиммамга тушди. Ушбу вазифани бажариш жараёни кейинчалик илмий фаолиятимга раҳбар бўлган инсон, устозим Е.М.Пещерева билан қадрдон дўст бўлиб қолишимга имконият берди”.

1956 йилда этнограф К.Л.Задыхина раҳбарлик қилган экспедиция таркибида ҳам кўрсатмага мувофиқ моддий маданиятга оид терминологиянинг таснифи билан Ф.Д.Люшкевич шуғулланган. Унинг Ўрта Осиёга 1961 йилги кейинги илмий сафари мустақил мавзуи Бухоро эронийларини этнографик гурӯҳ сифатида тадқики билан боғлиқ эди. Унга ушбу мавзуни танлаш ҳақида этнография сектори мудири Н.А.Кисляков маслаҳат беради.

Этнограф Н.А.Кисляков фаолияти давомида XIX аср охиридан бошлаб собиқ Туркистоннинг кейинчалик эса Ўрта Осиё республикаларининг фақат чекка ҳудудларинигина илмий тадқиқ этиш зарур сингари парадокслик (мантиққа тўғри келмайдиган) вазияти юзага келганлигини, натижада XX аср ўрталаригача Бухоронинг асосан марказий қисми кам ўрганилганлигини қайта-қайта таъкидлаган эди. Бунинг асосий сабаби, шаҳар марказига ислом таъсирининг узоқ вақт сақланиши оқибатида европаликларнинг кириши анча мушкул эди. XX аср иккинчи ярмидан, хусусан, иккинчи жаҳон урушидан кейин ушбу ҳолат шиддат билан ўзгаради, энди шошилиш керак эди, чунки ҳали кекса авлод яшамоқда, уларнинг эски турмуш тарзининг ўзига хос жиҳатлари сақланиб қолган эди. Фан йўлида эса бундай имкониятлардан унумли фойдаланишни даврнинг ўзи тақозо этган.

ХХ асрнинг 50-йилларида Бухоро аҳолиси, уларнинг турли гуруҳлари машғулотларини, мукаммал ҳарита асосида жойлашувининг илк тадқиқотчиси О.А.Сухарева эди. “Мен учун унинг ишлари эроний гуруҳини анча батафсил ўрганишда, кейинчалик эса бутун Бухоро воҳаси аҳолисини, уларнинг шаклланиш хусусиятларини тадқиқ этишда пойдевор вазифасини бажарди”[6,472],- деб хотирлайди Ф.Д.Люшкевич.

Олима ўз хотираларида:“Менинг эроний этнографик гуруҳи вакиллари билан дастлабки мулоқотим Бухоро музейи ходимлари ёрдамида ташкил этилган. Ушбу этнографик гуруҳ вакилларининг мени илиқ қарши олишининг сабаби - араб ва форс алифбосидаги қўллёзма манбаларини равон ўқий олганим эди”, - деб ёзиб қолдирган. Ф.Д.Люшкевичнинг Бухоро, унга ёндош воҳа ва чўлларда эроний ва турк тилли аҳолининг этник тарихи кўп асрлик қўшилуви жараёнида тараққий этган [7,107],- деган фикрининг баралла илгари сурилгани Бухоро эронийларини этнографик гуруҳ сифатида тадқиқ этиш имкониятини яратган эди.

Ф.Д.Люшкевич соғлиги ёмонлашгани учун 1988 йилда 61 ёшида нафақага чикади.1990 йилда олима саратон касалига чалингани маълум бўлади ва уни ўғиллари даволаш учун Изроил давлатига олиб кетишади.У Изроилда 1990 йилдан 2010 йилнинг 21 февралигача, яъни умрининг охиригача ўғли оиласи билан яшайди.

## ХУЛОСА

Ўз даврида яшаб, илм-фан тараққиёти йўлида захмат чеккан Ф.Д.Люшкевичнинг илмий меросини ўрганиш жараёнида Бухоро этнографиясининг бизга маълум бўлмаган сахифалари очилади. Ҳозирги кунгача Бухоро эронийлари урф-одат, маросим ва диний эътиқодларини ўзгармас ҳолда араб келаётгани фанда маълум. Ф.Д.Люшкевичнинг Бухоро этнографияси соҳасида тинимсиз олиб борган изланишлари натижасида яратилган асар ва рисолалари истиқболда Бухоро эронийларининг субэтнос сифатида этник тарихи, ўзига хос моддий ва маънавий маданиятини илмий жиҳатдан тадқиқ этишда дастуруламал сифатида хизмат қиласи.

## REFERENCES

1. Янес М.А. Фаня Давыдовна Люшкевич. /Журналный клуб интелрос. Антропологический форум. №8.2008.-С.466-478.
2. Люшкевич Ф.Д. Этнографическая группа ирони/Занятия и быт народов Средней Азии. Среднеазиатский Этнографический Сборник.III.-Л. “Наука”.1971. –С.43-71.
3. Янес М.А. Фаня Давыдовна Люшкевич / Журналный клуб интелрос. Антропологический форум. №8.2008. –С.466-478.

4. Қурбонова М.Б. XIX аср охири – XX аср боши Бухоро аҳолиси этнографиясини ўрганишга доир.//Из истории культурного наследия Бухары (10 выпуск). Изд. «Бухоро». Бухара. 2006. - С.84-88.
5. Научная библиотека диссертаций и автореферат obdisser Cat <http://www.dissercat.com>. Люшкевич Ф.Д. Особенности этнической истории и этнографических черт культуры таджикского населения Бухарского оазиса. //Дисс. к.и.н. - Л.,1976.
6. Янес М.А. Фаня Давыдовна Люшкевич. /Журналный клуб интелрос. Антропологический форум. №8.2008.-С.466-478.
7. Люшкевич Ф.Д.Одежда этнических групп населения Бухарского оазиса и прилегающих к нему районов. Первая половина XXв. (опыт сравнительной характеристики). /Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана.-Москва. “Наука”.1989.-С.107-127.
8. Kurbanova M. B. ETHNOLOGICAL ANALYSIS OF “MAWLUD UN-NABIY” CEREMONY IN BUKHARA OASIS //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 1434-1437.
9. Kurbanova M. B. THE 13TH DAY" SEZDAKH BUTTED"-A CEREMONY OF WIRES OF A HOLIDAY" NOURUZ" //The Second International conference on development of historical and political sciences in Eurasia. – 2014. – С. 85-88.
10. Kurbanova M. ART OF WOMEN OF" SOZANDA" IN THE PALACE OF THE BUKHARA EMIR //Ўтмишга назар журнали. – 2019. – Т. 24. – №. 2.
11. Бокиевна Қ. М. “СЕЗДАХ БАДАЛ” МАРОСИМИ ЭТНИК МАДАНИЯТ ФЕНОМЕНИ СИФАТИДА //Muassis: Buxoro davlat universiteti TAHRIRIYAT: Muarririlar: MQ Abuzalova MA Bokareva NN Voxidova. – С. 102.